



ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2003 йил 21 феврал, жума № 29 (1454)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

КАСАБА УЮШМАГА ХАТ КЕЛДИ

Ҳаммаси оддий бир воқеадан бошланди. Бухоро туман Ш.Хайруллаев номли ширкат хўжалиги аъзолари Назокат Тоирова ҳамда Назира Холовалар имкониятлари бўлмагани учун пилла курти боқишни исташмади. Бу хўжалик бошқаруви раиси А.Наимовнинг «нафсониятига теги», шеклиди, икковини ишдан бўшатиб юборди.

Мазкур иш Бухоро вилоят агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма кўмитасида ўрганиб чиқилганда, Меҳнат Кодекси бандлари қўпол равишда бузилганлиги аниқланди. Н.Тоирова ҳамда Н.Холовалар ўз ишларига қайта тикланди.

Кейинги вақтларда кўмита томонидан тармоқ меҳнаткашларини ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоялашга қатъият билан берилмоқда. Ўзбекистон Конституциясининг жамиятдаги ўрни ҳамда аҳамиятини, маъно ва моҳиятини ўрганиш, шу билан бирга, уни кенг омма онига синдириш учун кўпгина тадбирлар амалга оширилмоқда. «Сиз Конституцияни биласизми?» мавзусида меҳнаткашлар ўртасида билимлар синовини ўтказилди. Ўтган йилдаги раёсат мажлисида эса Файзулла Хўжаев туман ва бошлангич ташкилотлар касаба уюшма кўмиталарида «Фуқароларнинг ёзма ҳамда оғзаки мурожаатлари тўғрисида»ги Қонун, Меҳнат Кодекси талабларининг бажарилиши борасида амалга оширилётган ишлар муҳокама қилиниб, мазкур масала юзасидан қарор қабул қилинди.

Вобқент, Пешку, Шофиркон, Ғиждувон туманлари тармоқ кўмиталарида меҳнаткашлар ҳуқуқий мафлагатларини ҳимоялашда тизимдаги хўжалик ва корхоналарда маъмурият билан бошлангич ташкилотларнинг ҳамкорлиқда амалга ошираётган ишлари ҳам атрофлича кўриб чиқилди.

Меҳнаткашларнинг шикоят ҳамда аризалари доимий эътиборда. Ўтган йили фуқаролар 134 та оғзаки, 35 та ёзма равишда мурожаат этишди. Уларнинг аксарияти ўзининг ижобий ечимини топди.

Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма Кашқардаёв вилоят кўмитаси томонидан эса ўтган йил давомида тармоқдаги 114 та хўжалик, корхона, бирлашма ҳамда жамоаларда меҳнат қонунчилиги талабларига қандай риоя этилаётганлиги таҳлил этилди. Текширишлардан шу нарса маълум бўлдики, кейинги вақтда вилоятдаги тармоқ ташкилотларида Меҳнат Кодекси талабларига риоя этилиши сезиларли даражада яхшиланган. Меҳнаткашларни қонунга хилоф равишда ишдан бўшатиш, уларнинг розилигисиз бошқа ишга ўтқа-

зиш, ишга қабул жараёнида меҳнат шартномасини ёзма равишда тузмаслик ҳамда меҳнат дафтарчаларини ўз вақтида қонун талаблари асосида тўлдирмаслик каби камчиликлар барҳам топмоқда.

Ўтган йилнинг июл, август ойларида «Қаршиирмонтаж» ихтисослашган трести, «Зовурқурилиш» очик ҳиссадорлик жамиятлари ҳамда уларнинг таркибига кирувчи корхоналарда ҳам бу борада аниқгина тадбирлар бажарилди. Аниқланган хато ҳамда камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли ташкилотларга тақдимномалар киритилди.


Нишон, Қосон ва Баҳористон туманлари ва «Пахтаसानоат» худудий бирлашмаси касаба уюшма кўмиталари томонидан «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонун талаблари қандай бажарилаётганлиги таҳлил этилди. Натижалар эса вилоят тармоқ кўмитасининг раёсат мажлисида кўриб чиқилди.

Ўтган йил давомида вилоят кўмитасига 2565 нафар меҳнаткаш ёзма ва оғзаки равишда мурожаат этди. Уларга тегишли йўл-йўриқлар, маслаҳат ҳамда таклифлар берилиб, зарур бўлган тақдирда амалий ёрдам кўрсатилди.

Лекин шу ўринда алоҳида таъкидлаш лозимки, айрим мансабдор шахсларнинг амалдаги қонунларга бефарқ қарашлари мурожаат этувчилар сонини кўпайтирмоқда. Масалан, Самарқанд вилояти Пахтачи туманидаги «Зиёвуддин толаси» акциядорлик жамияти раҳбари М.Сулаймонова ҳамда бошқа бир гуруҳ ишчиларни сабабсиз ишдан бўшатиб юборган. Ушбу шикоятни кўриб чиқиш жараёнида Меҳнат Кодексининг қатор талаблари қўпол равишда бузилганлиги аниқланди. Биринчидан Ш.Сулаймоновдан тушунтириш хати талаб этилмаган. Иккинчидан эса корхонанинг ички меҳнат тартибни қонуннинг қандай қисмида қўпол равишда бузиш ҳолати кўрсатилган эмас.

Меҳнат Кодексининг 111-, 112-моддаларига асосан М.Сулаймонова ўз ишига қайта тикланди. Бундан ташқари, корхонада 92 ишчи ўрни қисқариши белгиланган. Бу борада ҳам қатор меъёрий талаблар бузилганлиги ҳисобга олиниб, буйруқ бекор қилинди.

Н.РАФИҚОВ,
«Ишонч» муҳбири.



Б.НОРКУЛОВ олган сурат.

НУРОТА ГИЛАМЛАРИ АРАБИСТОНДА

Бундан уч ой илгари Нурота тумани марказида афғонистонлик тадбиркор Хожо Насрулло «Хессон Хайдар»да шўба корхонасини ташкил этган эди.

Корхонага хориз дастгоҳлари ўрнатилиб, маҳаллий хомашдан кичик ҳажмдаги, совгабоп гиламчалар тўқишга киришилди. Қисқа вақт ичида 100 дона гиламча Саудия Арабистонига экспорт қилинди.

Корхонамизнинг келажаги порлоқ, дейди цех бошлиғи Музаам Абдурахмонова. - Йил охиригача камида 20 миллион сўмлик маҳсулот экспорт қилишни режалаштирганмиз. Маҳсулотларимизга эса талаб катта.

(ЎЗА).

ХАЛҚАРО АНЖУМАН

Олий Мажлисда Ўзбекистон қонунчилигида Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим моддаларининг амалиётига бағишланган халқаро анжуман бўлди.

Тадбир Олий Мажлис ҳузурдаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторингинг институти ҳамда Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим қотибияти томонидан ташкиллаштирилди.

1996 йили Италиянинг Флоренция шаҳрида Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасида Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланган эди. Ушбу улкан ҳужжат иттифоққа аъзо барча мамлакатларнинг парламентлари томонидан ратификация қилинган ва бир неча йилдан бунён Ўзбекистон билан Европанинг энг ривожланган ўн беш мамлакат ўртасидаги кенг қамровли ҳамкорлик учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилиб келяпти. Хусусан, алоқалар қонунчилиги тизимларини ўрганиш, иқтисодийда маъмурий ишловларни ўтказиш, модия борзори ривожлантириш, савдо ва сармоялаш каби соҳаларни ўз ичига олган.

Тадбирда ўзбекистонлик ва европалик мутахассисларнинг корпоратив ҳуқуқ, солиқ ва боғна соҳасига оид ҳуқуқлар, хоризжий сармояга доир қонунчилик ҳамда рақобатга оид мавзулардаги маърузалари тинланди.

(ЎЗА).

АМЕРИКАДА ЎҚИГАН ФЕРМЕР

Ёқуб Фаттоев фермерлиқни бундан ўн бир йил илгари бошлаган эди. Ўзи яшаётган Йулдош Эргашев номидаги жамоа хўжалигиндан икки гектар ер олди. Ўшанда атиги тўрт бош қорамоли бор эди.

Бугунги кунга келиб Ёқуб акага қарашли фермер хўжалиғи Бухоро вилоятидаги энг бақувват хўжалиқлардан саналади. Унинг йилдошда 792 гектар ери бор. Қорамоли 176 бош, қўй-эчки эса 200 дан ортик. 28 трактори бор. Бир кеча-кундузда олти тонна сутни қайта ишлайдиган цех ҳам очган.

Буларга ҳалол меҳнатим билан эришдим, дейди Ё.Фаттоев. - Дилимда бир орзум бор эди: хоризждаги фермерлар иши билан танишишни, тажриба алмашишни истардим.

Буни қарангки, Ёқуб ака бу орзусига ҳам етди. АҚШнинг энг нуфузли илм даргоҳларидан бири - Мэриленд университетиде икки

йил таҳсил олди. Шу штатдаги фермерлар билан яқиндан танишиш, тажриба алмашиш.

Ўтган йили «Фаттоев» фермер хўжалиғи ҳар гектар ердан 93 центнердан дон олди, 320 тонна сут ишлаб чиқарди. Дон етиштиришдан, чорвачилиқдан олинаётган даромади кўпайганда кўпаймоқда. Ёқуб ака буларнинг барини мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамоллигида тадбиркорлик учун кенг йўللар очилганидан, океан орти фермерлари иш тажрибасини ўргангани билан изоҳлайди.

Хўш, хориз тажрибалари нималардан иборат? Барча хўжалик субъектларининг тузилган шартномаларга қатъий амал қилишини таъминлаш, ердан, техника-

дан унумли фойдаланиш, фақат синовдан ўтган сара уруғларни экиш, инсон омили - хўжалиқда ишлаётганларни ўз вақтида рағбатлантириб туриш, хайр-саховатни ҳам унутмаслик.

Ёқуб ака хоризда кўрганларини ҳаётга татбиқ қилишдан эринмайди. Қайси ташкилоту корхона билан шартнома тузган бўлса, ижросини қаттиқ талаб қилади. Танлаб-танлаб бўғдойнинг энг сарасини экади, унга ишлов бериш, суғоришда ҳам агротехника қондаларига амал қилади. Даромадлари ҳисобидан хайр-саховатни ҳам унутмайди. Ўзи таълим олган билим даргоҳи - Пешку туманидаги 18-мактабининг аълочи ўқувчиларидан 26 нафарига стипендия берапти. Ўтган йили шу мактаб учун миллион сўмликдан зиёд ўқув хозларни ҳам олиб берди.

Илхом САФАР.

Когон шаҳри хокимлигида янги иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди. Унда корхоналар томонидан юздан зиёд бўш иш ўринлари таклиф этилди.

ИШ ЎРИНЛАРИ ЯРМАКАСИ

Ярмарка давомида корхона раҳбарлари ишга талабдорлар билан суҳбатлашиб, уларни меҳнат ва моддий шароитлар билан таништирди, - деди шаҳар хокими М. Худоёров «Туркистон-пресс» муҳбирига. - Бундай тадбирлар ҳар ойда ўтказиб борилади. Бу ўз самарасини бермоқда. Хусусан биргина ўтган йилнинг ўзида мингдан зиёд ёш йигит-қизлар иш билан таъминланди.

М. Худоёровнинг таъкидлашича, мазкур ярмарка давомида 64 киши ўзига маъқул ишни топди.

“ONDEO Degremon” компанияси экспертлари ичимлик суви сифатини яхшилашга қаратилган лойиҳани ўрганиш учун Бухорога ташриф буюришди. Ушбу лойиҳани амалга оширишга Испания ҳукумати 16,8 миллион евро миқдорда кредит ажратди.

СУВ СИФАТИ ЯХШИЛАНДИ

— Икки йил мобайнида амалга оширилган режалаштирилган ушбу лойиҳага шу йил ёзда киришилди, - деди «ONDEO Degremon» компанияси раҳбари Клод Шейер. - Лойиҳага кўра, Куймозор, Зарафшон насос станцияларини тўла таъмирлаш мўлжалланмоқда. Шунингдек, Вобқент, Шофиркон, Ғиждувон, Олот туманлари ичимлик суви тизимлари ускуналари янгиланади. Мазкур ускуналар вилоят аҳолисини сифатли ичимлик суви билан тўла таъминлаш имконини беради.

К. Шейернинг таъкидлашича, компания жаҳоннинг 82 та мамлакатда шу ҳилдаги лойиҳани рўёбга чиқармоқда. Лойиҳа сифатли ичимлик суви билан таъминлашдан ташқари маийший чиндиларни қайта ишлаш билан шуғулланади. «Туркистон-пресс»

ЮРТДОШЛАРИМИЗ ҒАЛАБАСИ

Қирғизистон пойтахти Бишкекда самбо бўйича халқаро турнир бўлиб ўтди. Унда Россия, Қозғистон, Ўзбекистон, Тожикистон, Туркменистон, Қирғизистондан келган уч юздан зиёд спортчи иштирок этди.

Ушбу турнирда Ўзбекистон шарафини таникли мураббий, жаҳон чемпиони Шуҳрат Хўжаев шоғирдлари Ҳимоя қилди.

Барча рақиблари курагини ерга текизган хоразмлик Алижон Абдуллаев (90 кг), сирдарёлик Илхом Тўхтамов

(100 кг) вазн тоифасида олтин медал соҳиб бўлди. Шунингдек, бухоролик Садридбек Олимов (74 кг), тошкентлик Эдуард Ким (100 кг) кумуш, бухоролик Тилиб Хакимов (62 кг), тошкентлик Рустам Бердибаев (70 кг), яна бир бухоролик полвон Хайдар Хўжаев (82 кг) бронза медалини кўлга киритди.

Умумжамоа ҳисобида Шуҳрат Хўжаев шоғирдлари майдон эгалари - қирғизистонлик полвонлардан сўнг иккинчи ўринни эгаллади.

(ЎЗА).

ЮСАИД - Америка Халқаро ривожланиш агентлиги томонидан 1958 йили ишлаб чиқилган ХОУП лойиҳаси аҳоли саломатлигини сақлаш, тиббиёт ходимлари малакасини ошириш, тиббий маданиятни юксалтиришга қаратилган. Айни пайтда ушбу лойиҳа Навоий вилоятида амалга оширилмоқда. Қизилтепа туманида бўлиб ўтган маҳалларда аҳоли билан ишлаш стратегиясини қўллаш масала-

ХОУП - УМИДБАХШ ЛОЙИҲА

ларига бағишланган йиғилишда мазкур лойиҳа асосида олиб борилаётган ишлар таҳлил этилди.

— Лойиҳанинг асосий вазифаларидан бири, - дейди ХОУП лойиҳасининг вилоят бўйича директори А.Кўчимов, - тиббиёт ходимларини аҳоли билан ишлаш дастури бўйича ўқитиш, болалар саломатлигини муҳофаза қилиш ишларига мутасадди ташкилотларни жалб этиш, аҳоли орасида оммавий тарғибот компаниясини ташкил этишдан иборат. Биз аҳолининг тиббий маданияти, билимини ошириб, болалар касаллиги ҳамда ўлимини камайтиришни кўзда тутганмиз.

(ЎЗА).

ТАНҚИДДАН ТЎҒРИ ХУЛОСА ЧИҚАРИБ

Газетамизнинг шу йил 11 январ сониде «Тез ёрдам ёрдамга муҳтож» сарлавхали мақола чоп этилган. Унда Самарқанд вилоят соғлиқни сақлаш тизимидаги камчиликлар, хусусан, «Тез ёрдам» машинаси ва телефон алоқаси хизмати талаб даражасида эмаслиги таъкидлаб ўтилган.

Тахририят ушбу мақола юзасидан вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи М.Муслимов имзоси билан жавоб хати олди. Унда шундай дейилади:

«Самарқанд вилоят ҳокимлиги ва Соғлиқни сақлаш бошқармаси мақолаани атрофлича ўрганиб чиқди. Танқид тўғри деб эътироф этилди. Хусусан, Пастдаргом туманида вилоят ҳокимлиги томонидан ўтказилган кўча йиғилишда «Самарқанд телеком» шўба корхонаси туман бўлими раҳбарлари зиммасига тиббиёт муассасаларида телефон алоқаси тизи-

мини 10 кун муддат ичида қайтадан кўриб чиқиш ва уни яхшилаш юклатилди.

Аҳолига шошилиш тиббий хизмат кўрсатишда «Тез ёрдам» муҳим ўрин тутди. Тизимдаги машиналарнинг ёниғи билан таъминлашда туманлардаги бош ҳокимларнинг эътиборсизлиги туфайли узилишларга йўл қўйиш каби нохуш ҳолатлар учраб турибди. Еқилғи фондидан самарасиз фойдаланиш оқибатида йил охирига келиб танқислик сезилди. Худди шундай ҳолат Жомбой тумани марказий шифохонасида ҳам вужудга келган. Аммо бу

ҳақда вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасига мурожаат қилинмаган. Соғлиқни сақлаш бошқармаси мақолаанинг туб моҳиятини тўлиқ англаб, камчиликларни иложи борича тезликда бартараф этишга қаратилган тадбирларни илчил амалга оширмоқда, келгусида бундай салбий ҳолатларга йўл қўймаслик учун барча имконият кўйса солинмоқда.»

(ЎЗА).

АЙБДОРЛАРГА ЧОРА КЎРИЛДИ

Газетамизнинг шу йил 14 январ сониде «Қайтарилмаган кредит Миллий банкнинг Қўрғонтепа бўлинимаси маорифчиларининг иш ҳақини ўз вақтида тўла олмаслигини сабаб бўлмоқда» сарлавхали мақола чоп этилган эди.

Андижон вилоят ҳокимлигини ўринбосари вазифасини бажарувчи Р.Холмирзаев имзоси билан йўлланган жавобда шундай дейилади:

«Ҳақиқатдан ҳам Миллий банкнинг ушбу филиали фаолиятида бир қатор камчиликлар, яъни ишчи яши ташкил этмаслик, бандаги тартиб-интизомнинг яши йўлга қўйилмаганлиги, миқозлар билан ишлаш сифати талаб даражасида эмаслиги кўзга ташланган. Ўз навбатида ушбу камчиликлар малакали кадрлар етишмаслиги сабабли юзага келган. Ўрганиш давомида камчиликларга

йўл қўйганликлари учун мазкур банк бошқарувчиси Ш.Иминов, бош хисобчи Ш.Исоқовларга нисбатан тегишли жазо чораси қўлланилди ҳамда тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилди ва унинг бажарилишини доимий назорат қилиб бориш Марказий банк вилоят бош бошқармаси зиммасига юклатилди.

Қўрилган чоралар натижасида хозирги кунда Қўрғонтепа тумани маорифчилари учун пенсия, нафақа ва кексалик варақаларига бериладиган маблағлар тўлиқ молиялаштирилиб, нақд пул билан таъминланди.

Юқоридаги камчиликларнинг вилоятимизда қайта такрорланмаслигини таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар вилоят ҳокимлиги назоратига олинди.»

Мақола юзасидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Анджион вилоят бош бошқармасининг тахририятга йўлланган жавобиде ҳам туман банк бўлимида тартиб-интизомни мустаҳкамлаш ва миқозлар билан ишлашни тубдан яхшилаш чоралари белгиланганлиги айтилади.

Тадбиркорлик — давр талаби

Мамлакатимизда юксак технологияга асосланган ишлаб чиқариш корхоналари вужудга келмоқда, рақобатбардош янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш жараёни фаол ўзлаштирилмоқда.

малакаларини оширишга ҳам эътибор қўйиб берилаётилади. Замонавий ускуналар ўрнатилган цехларда

ХОРИЖИЙ САРМОЯ

Қарши туманида янги иш

Ўринларини яратиш имконини берди

Чет эл инвестицияларининг ишлаб чиқаришга кенг жорий этилиши жаҳон андозаларига мос, рақобатбардош маҳсулотлар тайёрлаш имконини беради. Бу борада Қашқадарё вилоятининг Қарши туманида ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

Туман марказидаги пардозли гишлар тайёрлайдиган, ҳар хил конфетлар ишлаб чиқарувчи хусусий корхоналар шулар жумласидандир. Улар орасида «Зафко ЛТД» Ўзбекистон-Покистон қўшма корхонаси ўзининг сифатли маҳсулотлари билан алоҳида ажралиб туради.

Бундан беш йил муқаддам иш бошлаган бу кичик жамоада Ўзбекистонда илк бор футбол тўпи ишлаб чиқарила бошланди. Кейинчалик цехлар кенгайти-

рилиб, янги технологик ускуналар билан бойитилди. Германиядан келтирилган 72 та «Juki» русумли тикув машиналари ўрнатилди. 100 нафарга яқин хотин-қизларга касб ўргатилиб, иш билан таъминланди. Уларнинг 35 нафари тикув цехларида меҳнат қилаётган чеварлардир.

Биз тайёрлаётган маҳсулотлар юқори сифатлиги билан ажралиб туради, - дейди корхона бошлиғи, покистонлик Шайх Хуррам Зафар. - Маҳаллий ёшларга касб сирларини ўргатиш билан бирга, уларнинг

турли фасондаги бола-лар, катталар кўйлақлари, тиббиёт халатлари, чарм куртқалар, хотин-қизлар сумкаси ва бошқа кийим-кечаклар тайёрланмоқда. Меҳнатсевар жамоа биринчи синф ўқувчилари учун 60 миллион сўмлик сумкалар тикиб, мактабларга тортиқ қилди.

Жамоада ишчанлик вазиёти ҳукмрон. Сифат ва суръат учун кураш асосий мақсадга айланган. Мақсуда Маҳмудова, Муҳайё Ганиева, Дилафруз Файзиёва, Нуржон Богдаева сингари тикувчилар ҳар

Оддий бир ҳақиқатни асло унутмаслигимиз лозим: фақат мунтазам изланиш, биринчи навбатда ўзимизга, сўнгра эса бошқаларга нисбатан доимий талабчан бўлишгина бизни ривожланган илғор мамлакатлар даражасига олиб чиқади.

(Вазирлар Маҳкамасининг 17 феврал куни бўлиб ўтган мажлиси ҳужжатларидан).

бир юмушни тез ва соз бажариб, жамоа хурматида сазовор бўлишга.

Корхона бошлиғининг айтишига қараганда, яқин келажакда цехлар кенгайтирилиб, янги ускуналар ўрнатилди. Кўшимча иш ўринлари яратилиб, истеъмол бозорига манзур бўладиган янги кийим-кечаклар тикиш йўлга қўйилади.

Бир сўз билан айтганда, мазкур қўшма корхона туман иқтисодиётини мустаҳкамлаш, маҳаллий бюджет маблағларини кўпайтириш ва аҳоли турмуш фаровонлигини яхшилашга муносиб ҳисса қўшмоқда.

И.ИСОМИДИНОВ.

Вазирлар Маҳкамаси мажлисида шартнома тузиш тизимини қайта қўриб чиқиш ва шартнома интизомини мустаҳкамлаш ҳақида алоҳида гап борганлиги биз — ноз-неъмат бунёдкорларини гоёта қувонтирди. Бунда қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар асосий бўғин бўлиб қолиши кераклиги жуда тўғри уқтириб ўтилди. Очигини айтганда, муҳим

ШАРТНОМА ИНТИЗОМИ ПАСТЛИГИ ҚИШЛОҚ ҲўЖАЛИГИНИ ИСЛОҚ ҚИЛИШ БОРАСИДА ЭНГ ЗАИФ БўҒИН БўЛИБ ҚОЛМОҚДА

ишдаги камчиликлар, сўнғий тўсиқлар тараққиётга тўғнақ бўлмоқда. Буну ўз фаолиятимиз мисолида ҳам ҳис этаёلمиз. «Робот» деҳқон-фермер ҳўжаликлар биришмаси билан 2000 йил октябрида 2001

йил ҳосили учун шартнома тузди. Унга кўра 9 гектар ердан 27 тонна галла топшириб, ортиқчасини ўзимда олиб қолишим керак эди. Бироқ, ҳўжалик мутасаддилари 17 тоннадан ортиқ ҳосилни турли баҳоналар билан бе-

ХОМАШЁ ЎЗИНГАН ЧИҚҚАНИГА НЕ ЕТСИН

Бешарик туманидаги плёнка ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхонада маҳаллий хомашёдан маҳсулот тайёрланмоқда. Шу пайтатча хомашё асосан Жанубий Корея ва Озарбайжондан катта сарф-харажатлар ҳисобига олиб келинади. Бу эса маҳсулот таннарини ошириб юбораётган эди. Эндиликда бу борадаги оворазгарчиликлар буткул барҳам топди.

Корхона «Шўртангаз-кимё» комплексидан хомашё ола бошлади. Бу Андижон технологиясини асосида пахта этиштиришга ихтисослашган туман ҳўжаликларини плёнкага бўлган талабини қондириш, ишлаб чиқариш ҳажминини ошириш имконини берди.

(ЎЗА).

Қарор ва ижро

Ўзбекистон Республикасининг «Ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги қонуни ва бу борадаги Президент Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини бажариш бўйича Хоразм вилоятида бирмунча ишлар амалга оширилди.

ТЕКШИРИШЛАР КАМАЙДИ, САМАРАДОРЛИК ОШАДИ

Шу мақсадда вилоятда Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш ҳудудий комиссиялари ташкил қилинган.

Ўтган йил давомида вилоят комиссиясининг 5 та йиғилиши ўтказилди. Уларда ўтказилган текширишлар самарадорлиги, мониторинглар, уларнинг натижалари муҳокама қилинди. Текширишлар сонини камайтириш ва самарасини ошириш чоралари кўрилди. Қабул қилинган қарорлар барча туман ҳудудий комиссияларига ва назорат органларига етказилди. Бундан ташқари, ушбу фармон, қарор ва қонунларни пухта ўрганиш юзасидан вилоят назорат органлари ходимлари иштирокида 18 та семинар-йиғилиш ўтказилди.

Ўтган йили Президент Фармони ва қайд этилган қонунни амалга ошириш борасида «Ўзнефтигазинспекцияси»нинг вилоят бошқармасида, вилоят солиқни сақлаш бошқармасининг назорат бўлимида, дори-дармон сифати назорати инспекцияларида, қишлоқ ва сув ҳўжалиги бошқармаси ҳузуридаги чорвачилик насилчилик ишлари ҳамда давлат техника назорати инспекцияларида, давлат ветеринария бошқармасида мониторинг ўтказилди.

Мониторинг натижаларига кўра юқоридаги ташкилотларнинг кўпчилигида текширишларни ўтказиш жараёнида ҳужжатларни расмийлаштиришда хато ва камчиликларга йўл қўйилганлиги маълум бўлди. Камчиликларга йўл қўйган мансабдор шахслардан 13 нафари огоҳлантирилди. 2 нафари эғаллаб турган лавозимдан озод қилинди. 3 нафарига маъмурий жазима қўлланилди.

Ўтган йили текширишлар сони 2001 йилга нисбатан 1100 тага камайдди. Самарадорлиги эса 14 фоизга ошди.

Вилоят назорат органлари томонидан ўтказилган текширишлар самарадорлиги таҳлил қилинганда ўртача текширишлар самарадорлиги 73 фоизни ташкил қилган бир пайтда бу кўрсаткич вилоят молия органларида 56, «Ўздавстандарт» органларида 59, тижорат банкларида 13,5 фоизга тўғри келган.

Фаолиятда ошқоралиқни таъминлаш ва ҳўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида «Ишонч» телефони ташкил қилинди. Ўтган йили «Ишонч» телефони орқали 92 та турли маъмурий шикоят ва муурожаатлар қабул қилинди.


Ҳозир вилоятда фаолият олиб бораётган барча ҳўжалик юритувчи субъектларда «Текширишларни рўйхатга олиш қитоби» ташкил қилинган.

Н.ЙЎЛДОШЕВ, Хоразм вилояти давлат солиқ бошқармаси бошлиғи, вилоят Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш комиссияси раиси муовини.



Пахтаободлик Шамсиддин Эргашевни катта-кичик уста бобо дея ҳурмат қилади. Зеро, қўли гул устанинг ўзи ва ўнлаб шогирдлари томонидан тайёрланган ажойиб мебел маҳсулотлари кўпчиликка манзур бўлмоқда. Чунки сифатли ва беҳирим кўринишга эга мебеллар хориз маҳсулотларидан ҳечам қолишмайди.

Суратда: Шамсиддин уста Эргашев ўғли Адҳамжон билан. Ф.ХИДИРОВ олган суратлар.



БАНК

аҳолига транспорт ва телекоммуникация соҳасида ёрдамни йўлга қўйди

Ишбилармонликда ҳикмат кўп. Шу боисдан бўлса керак, кечагина мижозлар эътиборидан қола бошлаган Навбахор туман халқ банки қисқа фурсат ичида ўз фаолиятда тубдан ўзгариш ясади. Натижада ўтган йилнинг иккинчи чорағида яна юзга яқин ўрта ва кичик бизнес субъектлари банкнинг яқин ҳамкорларига айланди. Замонавий компьютерлар ёрдамида операцияларни тез ва соз бажараётган банк бугунги кунда 22 минг нафардан зиёд жисмоний шахсларга хизмат кўрсатмоқда. Туманда 20 нафардан зиёд тадбиркорлар банк кўмаги билан ўз фаолиятларини йўлга қўйишди. Жумладан, «Доришнос» хусусий ишлаб чиқариш корхонаси бошлиғи Эргаш Нормуродов банк кредити билан 3 гектар ерда наъматак экиб, олинган фойда ҳисобидан қарзини қайтаришга ҳам улгурди. Бунга «Яшил гиёҳ» корхонаси, «Гўзал» хусусий савдо фирмасини кўшимча қилиш мумкин.

Банк ўз фаолиятида биринчи марта аҳолига транспорт ва телекоммуникация соҳасида ёрдамлашишни йўлга қўйди. Бу мақсад учун 72 миллион 868 минг сўм сарфланди. 10 нафар банк мижози 50 фоиз пулни жамғармага қўлаб Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган «Нексия», «Дамас», «Тико» автоуловлари соҳибига айланшиди.

Эътибордан ўқувчи ёшлар ҳам четда қоламаяпти. Масалан, ўтган йил давомида имтиёзли «Талаба» кредитига 70 миллион сўмдан зиёд сўм ажратилди.

Я.САРИЕВ, «Ишонч» мухбири.

Қултепа қишлоғи Шўрчи тумани Йўлдош Охунбобоев номли ширкат ҳўжалиги ҳудудида жойлашган. Қишлоқ ҳўжалик ва туман марказларидан анча олисда эканлиги боис яқин-яқингина бу ерда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш борасида муайян камчиликлар мавжуд эди. Хусусан, қишлоқ аҳоли тиббий ёрдам олиш учун анча йўл қосиб туман марказига боришлариға тўғри келар эди.

ОЛИС ҚИШЛОҚДА ЗАМОНАВИЙ ТИББИЁТ ШОХОБЧАСИ

Ўтган йил бошида туман ҳокимлигидаги йиғилишда солиқни сақлаш бўлими бошлиғи Абдусалом Соатов тақлиф билан чиқди: - Ҳўжалик раҳбарлари ер ажратиб беришса, Қултепа қишлоғида ҳашар йўли билан тиббиёт шохобчаси — врачлик пунктини қуриб, ишга тушира эдик. Тақлиф кўпчиликка маъқул тушди. Ҳўжаликда, қолаверса, туманда эзгу ишга бош қўшувчи саховатпеша инсонлар кўп

ёшли Майрам момо ҳам четда қолмади.

Обод маҳалла йили култепачилар учун қувончли келди. Қисқа вақт ичида бир йўла 50 кишига хизмат кўрсатиш имкониятига эга замонавий қишлоқ врачлик

пункти фойдаланишга топширилди. - Ушбу тиббиёт муассасаси қарийб 12 миллион сўмлик энг сўнғи нусхадаги асбоб-ускуналар билан жиҳозланган, - дейди туман солиқни сақлаш бўлими бошлиғи А.Сатторов. - Айни пайтда 14 та даволашни хонасида Менгтурди Тошбоев, Нодира Ҳўжаму-

Эл соғлиғи — юрт бойлиғи

родова, Юсуф Абдурахмонов, Салима Рўзиева, Майрам Бекмуродова сингари малакали шифокор ва ҳамширалар эл хизматида.

хаватли ҳамқишлоқларимиз — И.Алимардонов ва А.Аҳмедов сингари тадбиркорлар уни жиҳозлашга ўз ҳиссаларини қўшди. Умуман, бунёдкорлик ишлари халқимизнинг азалий удуми ҳашар йўли билан амалга оширилди. Айни пайтда эса яна бир савобли ишга қўл урилди. Маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари қурилиши бошлаб юборилди. Уйлайманки, Обод маҳалла йилида қишлоқларимиз янада чиroy очади, - дейди «Қултепа» маҳалла фукарлар йиғини раиси Абулқосим Раҳимов.

Рустам ДАВЛАТ, «Ишонч» мухбири.

Газ — бебаҳо табиий бойлиғимиз. Зеро, республикамизда белгиланган тартиб-қоидаларга пухта амал қилган ҳолда табиий газдан тежаб-терғаб фойдаланиш ва тегишли тартибда коммунал тўловларини ўз вақтида тўлаб бориш ҳар бир хонадон эгасининг бурчидир. Аммо, баъзи бировларда айнан мана шу тўғғун шакллантириш қийин кечаётир.

Устига-устак баъзи фуқароларимиз, табиий газдан ўзбошимчилик билан ноқонуний тарзда фойдаланишга апто. Бу билан улар давлатга катта зарар етказмоқдалар. Бундай қимсаларнинг кирдикорлари очилиб, жамоатчилик олдида изза бўлиб қолаётганлиги ҳам сир эмас. Фикримизни ушбу мисоллар ҳам тасдиқлаши мумкин.

Сайетлик Н.Муродов хусусий ошхона очиб, мўмай даромад олишни йўлади, холос. Гарчи у Ўзбекистон Республикаси ҳудудида газ идорасининг руқсати билан тегишли лойиҳа ҳўжатлари асосида табиий газ улаш талаблари мавжудлигидан яхшигина хабардор бўлса-да, амалда бунинг аксини қилди. Меъёрий ҳўжатларда белгилаб қўйилган талабларни қўпол равишда бузиб, Маъмурий жавобгарлик Кодексининг 101-моддаси 1-қисмида кўрсатилган ҳуқуқбузарликни содир этди. Судда унинг хатти-ҳаракати афрофлича муҳокама этилиб, ноқонуний тарзда газдан фойдаланганиги учун 24402 сўмлик зарар ундириб олинди.

М.Торобий номли ширкат ҳўжалигида яшовчи Ш.Жумаев анчадан буён якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланиб келади. У ўзининг шах-

ширкат ҳўжалиги) Г.Розиқов ҳам ўзининг гишт цехида ноқонуний тарзда табиий газдан фойдаланиб келаётганлиги аниқлиниб, ҳуқуқбузарлик ҳаракати судда афрофлича қўриб чиқилди. У тегишли микдор-

ИССИФИ ЁҚАДИ, ТўЛОВИ-ЧИ?

сий гишт ишлаб чиқариш цехига эга. Текшириш чоғида Ш.Жумаев ҳам тегишли руқсатнома ва лойиҳа ҳўжатларига эга бўлмай туриб,

да жарима тўлайдиган бўлди. Маълумки, Республика ҳуқуматининг 2001 йилнинг 18 апрелида «Аҳолига коммунал хизмат кўрсатишни тақомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди. Орадан анча вақт ўтган бўлса-да, унинг ижроси тўла бажарилмаётир. Айрим фуқароларимиз ушбу қарор моҳиятини англаб етмаган кўринадилар. Ойлар тугул, йиллар ўтса-да газдан фойдаланганлик учун тўловларни тўлашни унутаётганлар ҳам йўқ эмас. Уларнинг ўзбошимчилик билан газ тармоқларини улаб, файриқоний тарзда иш юритаётганликларини қўриб ҳайратингиз ошадди. Самончуклик И.Рўзиев, Қозикети қишлоғидан Т.Аҳадов, янгиободлик Ш.Исмаилов, Ф.Ҳамидов, С.Равшановлар ана шулар жумласидандир.

Газ ва бошқа коммунал тўловларни ўз вақтида тўлаб бориш, бу борада қабул қилинган меъёрий ҳўжатларга тўла-тўқис риоя этиш ҳар бир юртдошимизнинг муқаддас бурчидир.

Усмон НАВРЎЗ, «Ишонч» мухбири.

Қиш синовдан ўтказилади

ГАЗ ҲИСОБЛАШ

УСКУНАЛАРИНИ ЎРНАТИШ НЕГА ПАЙСАЛГА СОЛИНМОҚДА?

Вазирлар Маҳкамасининг 17 февралдаги мажлисида уй-жойларга газ ўлчаш асбоблари ўрнатиш даражаси ҳамон пастлигича қолаётгани эътироф этилди. Андижон вилоятида газ таъминотини яхшилаш борасида муайян ишлар қилинди. Мавжуд 312 километр узунликдаги газ қувурларини тозалаш юмушлари амалга оширилди. 336 километр ер ости қувурларининг мустаҳкамлиги текширишдан ўтказилди. Қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш дастурига мувофиқ 97,8 километр газ ва 70,4 километр ичимлик сув тармоқлари фойдаланишга топширилди.

Шунга қарамасдан, вилоят марказида атиги 400 донадан ортиқ газ ҳисоблаш ускуналари ўрнатилди. Бу соҳадаги режа 20 фоизга бажарилди, холос. Қорасув, Шахрихон шаҳарлари, Мархамат, Пахтаобод, Улуғнон, Жалолқудук, Балликчи туманларида аҳолининг газ учун қарзлари 1,5 миллиард сўмдан ошиб кетди.

Айрим истеъмолчилар «зангори олов»дан тежаскорлик билан фойдаланмаяптилар. 1332 та иссиқхонага қонунга хилоф равишда уланганли-

ги боис уларнинг фаолияти тўхтаб қўйилди. Асака туманидан А.Тожибоев, О.Тожибоев, Андижон туманининг Шўрбулек маҳалласида яшовчи Ж.Ҳотамов, Ш.Ҳамидов, Андижон шаҳрининг Чўққитепа кўчасида истиқомат қилувчи О.Ҳолматов қабиладар оҳақ пишириш цехи очиб, табиий газни ноқонуний улаб олинган.

Газ ҳисоблагичларни ўрнатиш нафақат хонадон эгасига, балки мамлакатга қимматли бойликларни тежаш имконини беради, - дейди «Шахрихонтумангазтаъминот» идораси бошлиғи У.Сотволдиев. - Яқин орада 31 минг хонадонга бундай қурилмалар ўтказилади. Эътироф этиш кераки, туманининг И.Мамаилов номли, академик Т.Сабиримсоқов номли, «Ўзбекистон» ширкат ҳўжаликлари ҳисобидан газ ҳисоблаш ўлчагичлари олиб берилди. Бироқ, вилоят бўйича 50 мингдан ортиқ хонадонда бундай ускуналар ўрнатилмаганлиги газни беҳуда ишлатиш, исроф қилиш ҳолларига барҳам берилмаётганлигини кўрсатиб турибди. Бир сўз билан айтганда, туманлардаги мутаассадди ташкилотлар газ қувурларини тозалаш, тақсимлаш, шохобчаларини таъмирлаш, ноқонуний газлаштирилган хонадонларни аниқлаб, чора қўриш ишларини пайсалга солиб келмоқдалар. ИZZАТ ҲИҚМАТОВ, «Ишонч» мухбири.

Сўраган эдингиз

Яқинда тахририятимизга Бухоро вилояти Ромитон туманилик Гулсара Рахимовадан мактуб келди. Унда жумладан шундай сўзлар ёзилган: «Саққизинчи синфгача бирга ўқиган дугонамни учратиб қолдим. Кўришмаганимизга амч вақт бўлган эди. Олдинлари доимо озиб-тўзиб юрарди. Бугунлай ўзгариб кетибди. Ойдек тўлишиб бир чиройга ўн чирой қўшилибди. Наманган вилоятидаги «Пахталикўл» сихатгоҳида муолажа олиш билан бирга ўқиб, хатто, ўрта малакали тиббиёт хамшираси бўлибди. Шу сихатгоҳ хақида маълумот берсангиз.»

«ПАХТАЛИКЎЛ» СИХАТГОҲИ бу ерда касб-хунар ҳам ўргатилади

Гулсара Рахимованинг қизиканларига бор. Зеро, вилоят марказидан унча узоқ бўлмаган жойдаги мазкур тиббиёт маскани хусусида анча илқ гапларни айтиш мумкин. Унинг довуриги Ўзбекистонимиздан ташқари хориж давлатларига ҳам етиб борган, деса муболага қилмаган бўламан. Агар унга юқори-роқ жойдан, айтилик, бирон адириқдан назар сол-гудек бўлсангиз, улкан богоромоғо кўзга ташланади. Дарҳақиқат, бир неча ўн гектар майдонни эгаллаган сихатгоҳ турли-туман мевали ва манзарали дараклар билан қопланган.

Сихатгоҳнинг бунёдга келиш тарихи ҳам қизиқ. XX аср бошларида Россия Европадаги қатор мамлакатлар сингари чет эл инвестицияларини жалб қилиш учун «чиққ эшиклар» даврига ўтганида Ўзбекистоннинг бошқа минтақалари учрамайдиган бебаҳо иқлими Вольф деган немис ишбилармонини (айтгандай, ўша вақтда келган немис мутахассисларининг авлодидан айримлари ҳозир ҳам сихатгоҳда ишлашди) ўзига жалб этган. Наманган шаҳридан чиқа беришдаги шу жойни танлаган немис ишбилармонини маҳаллий аҳоли ёрдамида ҳосил етиштирилган. Олинган пахта пешма-пеш Германияга жўнатиб турилган.

Ҳикоя қилишларича, Вольф сил касалигига чалинганлиги учун бу ердаги икки-уч йиллик фаолияти давомида ўзида тетиклини, касаллик чекинганлигини ҳис этган. Зеро, сихатгоҳ чор-атрофи кир-адирликлар билан ўралган бўлиб, ям-ашил боглардан иборат чанг-ғубор, шовқин-сурондан холи жой. Хароратнинг ўртача йиллик ўзгариши +13,8 даража, ёз ойларида шундоқ ёнгинада - шаҳарда ҳар қанча жазирама бўлса-да, бу ер салқин. Шунингдек, тумани ва булоғи кунлар ҳам бўлади. Бу ҳолат сил учун асқотадиган касалоруд мўтадиллигини тасвирлайди. Бинобарин, немис ишбилармонини ўша пайтдаёқ обрўли матбуот нашрида бу борадаги ўз мулоҳазаларини баён қилган. Бундан ташқари, у ўз маблагини ҳисобидан махсус иморат қуриб, бу ишга тажрибали врачларни жалб этган.

Вольф Октябрь тўнатириши ва у келтириб чиқарадиган ғалвалар олдида юртига жўнаган, ушбу йўналишдаги ишлар унутилади. Аммо, 1958 йилда вилоятда сил касаллигини муолажа қиладиган тенгсиз жой борлигидан хабар топган академик Шокир Алимов ташаббуси билан «Пахталикўл» пахтачилик-уруғчилик хўжалиги негизда 150 ўринли сихатгоҳ ташкил этилди. Ўша вақтлардаёқ унинг ўзига хос жиҳатлардан хабар топган Россия, Белорус, Украина, ҳатто, Покистон ва Хиндистондан беморлар келиши муолажа олганлар. Бир неча йиллар вилоят соғлиқни сақлаш бoshқармасига раҳбарлик қилган Турсунбой Аҳмедов, Ваҳтоҳ Умрзоқовларнинг сихатгоҳ тараққиётига кўп меҳнатлари синган. Беморлар кузарида, шунингдек, лабораторияларда кечган оромсиз кунлар, уйкусиз тунлар самараси ўларок Т.Аҳмедов фан доктори илмий даражасига, хизмат кўрсатган шифокор унвонига сазовор бўлган.

Бугунги кунда сихатгоҳ янги лойиҳалар асосида бунёд этилган икки қаватли ва хар бири бир ёки икки кишилик хоналардан иборат



Маҳалланг — отанг, онанг БОБУР ҚҮНИБ ЎТГАН ЖОЙ

Янгиер шаҳридаги «Карвонсарой-2» маҳалласи оқсоқоли Оллоназар Жўраевнинг айтишича, бир пайтлар бу ерда катта карвонсарой бўлган. Улуғ кишилар, дунё кезган сайёҳлар, хатто шох Бобуриро ҳам ўз мулозимлари билан ҳаргал шу карвонсаройда бир неча ҳафталаб туриб қолишар экан...

Дастлаб маҳалла идораси эътиборимизни тортди. Чорроқина хона, стол устида қўш телефон. Маҳалла оқсоқоли шу хонадон туриб телефон орқали вилоят маркази билан бемаъл болгана олади. Котиб ҳам, посбон ҳам иш устида. Маҳаллада темирчилик устaxonасидан тортиб сартарoшxonагача бор. Аҳолида бирор нарсага эҳтиёж туғилдими, дарҳол барпо этилади.

Биз ҳашар йўли билан гоҳида йўқни ҳам йўндирамиз, - дейди оқсоқол. - Узим кўп йиллар ички ишлар идораларида ишлаганим учунми, ҳар юмушни масъулият билан адо этишга одатланганман. Шу жойда иш бошлаганимда бекор юрган ёшларни рўйхатга олиб, оилавий аҳолини ўргандим. Бекорчилик туфайли ичкиликка берилганларни, гийёҳвандларни англадим. Уларнинг ўнча яқинини Гулистондаги наркологи диспансерига даволатдик. Бундай соғй-ҳаракатлари миздан соғй бўлган отанолар анча хушёр тортишди, шундан сўнг ёшлар тарбиясида «мактаб-маҳалла-оила» ҳамкорлигини йўлга қўйиш ҳам осон кечди. Футбол жамоамиз учун энг яхши устозларни ишга қақирдик. Маҳалладаги кам даромадли оилаларни қўллаб-қувватлашда, уларнинг ижтимоий аҳолини яхшилашда ҳомийлар савовати билан тўпланган маблагдан фойдаланамиз.

Педагог тарбиячи Дўстмурод Азимовнинг гапига кўра, маҳаллада яшовчи болалар ичида иқтидорлилари кўп. Шу учунми, футбол мусобақаларида маҳалланинг ёш чарм тўп ишқибозлари хамиша олдинги ўринларни эгаллашади. Маҳалладаги каттагина стадион болалар ихтиёрида. Профилактика инспектори Ғайбулла Дўстмухамедов маҳаллада бекор юрган болаларнинг исми-шарифи қайд этилган дафтари кўтариб ҳар кўни ташкилотларга югради. Болалар ишга жойлашса бас, шундан сўнг кўнгил тинчиди. Ахир, ҳар қандай жиноят борки, бекорчилик оқибати юз беради.

Гулчехра ЖАМИЛОВА, Янгиер шаҳри.

Мустақиллик иншоотлари



КОЛЛЕЖЛАРГА ЭЪТИБОР

Қадрлар тайёрлаш Миллий дастури иккинчи босқичини амалга ошириш жараёнида қўрилатган тадбирлар самарали бўлмоқда. Академик лицей ва касб-хунар коллежларини янада ривожлантириш борасида амалга оширилатган хайрли ишларга эътибор янада кўчади. Бунда олий ўқув юртинларининг амалий ёрдами ва сай-ҳаракатлари мўҳим аҳамият касб этмоқда. Шу ўринда Тошкент Давлат техника университети фаолиятини алоҳида кўрсатиб ўтиш жоиздир. Олий ўқув юрти ташаббуси билан техника йўналишидаги коллежларга қўрилатган амалий ёрдам янги турдаги билим юртлири ўқув фаолиятини янада яхшилашда мўҳим омили бўлиб хизмат қилмоқда. Ҳуқуқчилари дарслик ва ўқув қўлланмалари билан қўрилантиришда ҳам университет олимлари жонбозлик кўрсатишмоқда.

Шу кунга қадар 38 номда ўқув адабиётлари чоп этилди. Яна бир неча дарслик босмага берилди. Янги дарслик ва қўлланмалар яратиш учун университет олимлари 70га яқин грантни қўлга киритдилар. Натижада 150 миллион сўмлик маблагга эга бўлишди. Университет иқтидорли коллеж ўқувчилари учун 70 дан ортиқ стипендия таъсис этди. Олий ўқув юртининг бу каби ибратли ишлари республика семинарида ижобий баҳоланди.

Тўхфа

ИШҚИМ ЧЕЧАКЛАРИ

Абдул Кодир — машҳур навоийшунос олим Абдукодир Хайитметовнинг таҳаллуסי. Шу пайтгача ҳалқимиз унинг адабий тадқиқотлари билан таниш эди. Яқинда «Шарқ» нашриёт матбаа акциядорлик компаниясида унинг «Ишқим чечаклари» шеърый китоби чоп этилди. Китобдан турли даврларда ёзилган шеър, манзума ва таржималар ўрин олган бўлиб, уларда самимий, нафис туйғулар рангин бўёқларда ўз аксини топган.

Тўрт мисрадан иборат «Ой ва солдат» (1944) шеърда ўз юрти, она тўпроғидан узоқда жанг майдонларида яқинларини соғинган аскарнинг руҳий ҳолати образли тарзда шундай ифодланади: Солдат Ойга қарайди, Ой эса кеттик. Шу он — Ҳаёлига келади — Онаси тишлатган он.

Соғинчли бундан ортиқ ифодалаш мўшкул бўлса керак. «Она замин», «Пўлат кўрғон», «Олим ва истиклол», «Шукрона», «Казбек» каби шеърларида Ватанга мўҳаббат, она халққа садоқат каламага олинган. «Казбек» шеърда шoir она халқини «Кўёш сари мағрур буй чўзган, энг баландда қаҳрамонлардек, шону шавкат базминни тузган» чўққига мензайди: Жавоб берди ҳамроҳим:

Китобдан, шунингдек, турли мавзулардаги бир қатор манзума ва форс адабиётидан қилинган таржималар ҳам ўрин олган. Нодир РАМАЗОНОВ.

Эзгулик боқийдир

Жамила опа бугун хар галгидан барвақтрок ўйгонди. Ховлига чиқиб, мўъжазгина боғдаги олма, хурмо, анжир, анор дарахтларига узоқ тикилди. Сўнг бир туп гилос дарахти устидаги қорни секин силқитди. Оппок нуқроқлар кийимларини қоплади ва нималарнидир ёдга солгандек бўлди. Ҳа, бу дарахтларни турмуш ўртоғи, раҳматли Чўтти ака эканлар.

БОҒДАГИ БИР ТУП ГИЛОС

Она ҳаёлини қизи Сурайёнинг ёвози бўлиб юборди. — Ассалому алайкум, ойиҳон! Намунча эрта тонгдан боғ оралаб юрибсиз?

— Қизимчан, билсанг, бугун адангларни туш қўрибман... — Она бошқа гапира олмади. Кўзидан ёш томчилди. Сурайё ҳам отаси эккан дарахтларни бир-бир авайлаб ушлаб, уларга боқди. Оппок либос кийган дарахтларда отаси сиймосини кўргандек бўлди, гўё.

Ҳадиси Шарифда инсон ёруғ дунёдан кетганида уч нарса уни боқий қилиб туради, дейилади. Бу — қилган яхши илму амаллари, солиҳ фарзандлари, яратган боғлари. — Ховлимиз чоғроқ бўлса-да, отамнинг бўш вақтлари хар доим дарахтларни парвариш қилиш билан ўтарди, — дея эслайди Сурайё отаси ҳақида. — Қаерга хизмат сафари билан бориб қолса, албатта у ердан бирон гул ёки дарахт кўчати олиб келиб боғимизга экарди.

Чўтти ака Рўзматов турмуш ўртоғи Жамила опа билан қарийб 37 йил умргузаронлик қилди. Бир-бирини ақли, солиҳ ва доно фарзандлар тарбиялади. Тўнғич фарзанди Сурайё «Тошкент» универмаги Супермаркетига касоба уюшма қўмитаси раиси. Барно пойтахтдаги 102-мактабда инглиз тили фанидан сабоқ бермоқда. Олимжон тадбиркор. — Домла ажойиб одам эдилар, — эслайди шогирдлари Саид Муродов ҳамда Олимжон Муртозаевлар. — Устоз нафақат республикамиз, балки Россия Федерацияси, Украина, Қозоғистон, Туркманистон республикаларида ташкил этилган анжуманларда ҳам ўз маърузалари билан қатнашардилар. Мамлакатимизнинг барча вилоятларида, туман ва хўжалиқларида хизмат сафарига бўлиб, ишлаб чиқилган илмий-амалий таъсирларни жорий қилиш, деҳқон меҳнатини рағбатлантириш устида кўп ишлар олиб бorganлар. Жамила опа Шоназарова қарийб 40 йилдан буюн Жаҳон тиллари университетига талабаларга француз тилидан сабоқ бериб келмоқда. — Чўтти акани эслаганимда кўз ўнгимда меҳрибон оилапарвар, самимий, меҳр-оқибат билан йўғрилган инсон кўз ўнгимда гавдаланади, — дейди опа. — У аждодларимизнинг бой меросига садоқатли, адабиёт, шеърини ихлосоманди эди. Меҳнат фаолиятимизда бир-биримизга маслаҳатгўй, суянчик бўлиб яшаганмиз. Шунинг учун кийинчиликлар биланмиган. ...1937 йилнинг 17 но-

ябрида Қашқадарё вилоятининг Гузур туманидаги Эскибоғ кишлоғида туғилган Чўтти Рўзматов шу ерда ўрта маълумот олди. Олий маълумотли бўлгач, бир муддат туман кишлоқ хўжалигини

ривожлантиришга хизмат қилди. Кейинчалик, ундаги истеъдодни кўрган раҳбарлар Республика кишлоқ хўжалиқ вазирлигига ишга тақлиф этишди. Бир муддат ўрта Осиё кишлоқ хўжалиқи иқтисодий илмий текшириш институтида фаолият кўрсатди. 1991 йилда «Хўжалиқ юрти»нинг янги шариолатларида агросаноат комплексига меҳнатни моддий рағбатлантириш тизими» мавзюида докторлик илмий ишини ҳимоя қилди. 60 дан ортиқ монография ва илмий ишлар муаллифи бўлган олим 1992-1994 йилларда Тошкент Давлат иқтисодий университетининг «Меҳнат иқтисодийети» ҳамда «Агробизнес» кафедраларида ёшларга сабоқ берди. Кейинчалик Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент Давлат техника университетида профессор лавозимига ишлади. ... Яна баҳор келади. Устоз ўз қўли билан эккан боғдаги бир туп гилос оппоқ бўлиб гуллайдди. Шунда хонадон янада фаязга тўлади. Чўтти ака қадрдонлари у кишининг сиймосини оппоқ бўлиб гуллаган гилос гулларида кўрадилар.

Шавкат СУЛТОН, «Ишонч» муҳбири.

Узбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касоба уюшма Марказий қўмитаси Бухоро вилояти тармоқ касоба уюшма қўмитаси бош хисобчиси Мастура Юлдошевага ораси

Мавлуда ЮЛДОШЕВАНING бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия ихор этади.

Узбекистон енгил, мебел саноати ва коммунал-маиший хизмат ходимлари касоба уюшма Марказий қўмитаси Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоят қўмиталари Тошкент шаҳар касоба уюшма қўмитаси бош хисобчиси Татьяна Вихренкога умр йўлдоши

Олег ВИХРЕНКОнинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия ихор этади.

Тошкент шаҳар енгил, мебел ва коммунал-маиший хизмат кўрсатиш корхоналари касоба-уюшма қўмитаси бош хисобчиси Татьяна Вихренкога умр йўлдоши

Олег ВИХРЕНКОнинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур хамдардлик ихор этади.

ДУНЁ ПОЛВОНЛАРИ ТОШКЕНТГА КЕЛАДИ

Шу йилнинг 2-4 март кунлари «Ўзбекистон» спорт мажмуида эркин ва юнорум кураши бўйича Гран-при туркумига кирувчи «Мустақиллик кубоғи» анъанавий халқаро турнири ўтказилади.

Олтинчи мартаба ўтказилаётган ушбу мусобақада АҚШ, Россия, Жанубий Корея, Германия, Япония, Қатар, Австрия каби ўн етти мамлакатдан келган икки юзга яқин спортчи гиламга чиқади.

Таъкидлаш лозимки, ўзбекистонлик спортчилар учун мамлакатимизда ва хорижда ўтказилаётган мусобақалар жаҳон ва қитъа биринчилигига тайёргарлик вазифасини ўтади. Вакилларимиздан келаси йили Афинада бўладиган Олимпиадада ишторк этиш учун имкон қадар кўпроқ йўлланмаларни қўлга кириштиш талаб этилади. (ЎЗА)



Тошкент тумани Й.Охунбобоев ширкат хўжалигидаги 9-мактаб спорт мажмуида турон якка кураши бўйича 1984-85 ҳамда 1986-87 йилларда туғилган ҳасмлар ва қизлар ўртасида Тошкент вилояти очик биринчилиги бўлиб ўтди. Мусобақада вилоятнинг Янгийўл, Зангиота, Қибрай, Тошкент туманлари ва Чирчиқ шаҳар Олимпия захиралари коллеж тарбияланувчилари, шунингдек, Тошкент шаҳар Чилонзор тумани вакиллари иштирок этишди. — Биринчиликда 140 нафарга

Тадбир

Педагог тарбиячи Дўстмурод Азимовнинг гапига кўра, маҳаллада яшовчи болалар ичида иқтидорлилари кўп. Шу учунми, футбол мусобақаларида маҳалланинг ёш чарм тўп ишқибозлари хамиша олдинги ўринларни эгаллашади. Маҳалладаги каттагина стадион болалар ихтиёрида. Профилактика инспектори Ғайбулла Дўстмухамедов маҳаллада бекор юрган болаларнинг исми-шарифи қайд этилган дафтари кўтариб ҳар кўни ташкилотларга югради. Болалар ишга жойлашса бас, шундан сўнг кўнгил тинчиди. Ахир, ҳар қандай жиноят борки, бекорчилик оқибати юз беради. Гулчехра ЖАМИЛОВА, Янгиер шаҳри.

ISHONCH Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ МУАССИС: Ўзбекистон касоба уюшмалари Федерацияси

Тахрир хайъати: Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимуҳаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзохид Содиқов, Шамсиддин Эшонбоев, Кудратилла Рафиков, Мирфозил Олимов. E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43. Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган. Босишга топшириш вақти - 21.00 Топширилди - 21.10

Манзил: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134. Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терида ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.